



NAVOIY VILOYATI TOMDI TUMANI HOKIMINING FARMOYISHI

210800, Tomdi tuman, Yangi Tomdi qo'rg'oni, tel: (79) 582-13-13, fax: 582-13-22, e-mail: tomdi@nv.uz

2023 - yil 13 - dekabr

227-5-75-F/23

Tomdi tumani hokimligi

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6247-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Томди туман ҳокимлиги фаолиятида очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни ахборот ресурсларида жойлаштириш ва янгилаб бориш тартибини белгилаш мақсадида:

1. Томди тумани ҳокимлиги фаолиятига оид очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати (кейинги ўринларда – рўйхат) 1-иловага, маълумотларнинг намунавий шакллари 2-26-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Рўйхатга киритилган маълумотларни расмий веб-сайт, Очиқ маълумотлар портали ва бошқа ахборот ресурсларига жойлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ҳар бир маълумот масъул таркибий тармоқ томонидан белгиланган шаклда, сифатли ва тўлиқ шакллантириб, уларни электрон шаклда Ахборот хизматига тақдим этади;

Матбуот котиби (Н.Аметов) тақдим этилган маълумотларни расмий веб-сайт, Очиқ маълумотлар портали ва бошқа ахборот ресурсларига белгиланган формат ва ўлчамларда жойлаштирилишини таъминлайди.

3. Масъул таркибий тармоқлар томонидан рўйхатда кўрсатилган маълумотларни Ахборот хизматига тақдим этишда қуйидаги тартибда муддатларга (маълумотларни янгилаб бориш муддати қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгиланган ҳолатлар бундан мустасно) риоя қилинсин:

доимий (мунтазам) янгилаб бориладиган маълумотлар - бир суткадан кечиктирилмай;

ҳар ойда янгилаб бориладиган маълумотлар - кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар;

ҳар чоракда янгилаб бориладиган маълумотлар - ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг ўн бешинчи санасига қадар;

ҳар ярим йилликда (ҳар олти ойлик) янгилаб бориладиган маълумотлар - ҳар олти ой якунидан кейинги ойнинг ўн бешинчи санасига қадар;

ҳар йиллик (бир йилда бир маротаба) янгилаб бориладиган маълумотлар - ҳар йил якунидан кейинги йилнинг 15-февралга қадар.

4. Расмий веб-сайт, Очiq маълумотлар портали ва бошқа ахборот ресурсларини юритиш, маълумотларни очикликни таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартиб- таомиллар асосида (веб-манзил, формат, ўлчам, шакл ва бошқа талаблар) жойлаштириш (эълон қилиш) ҳамда даврий янгилаб боришга (Н.Аметов) масъул эканлиги қайд этилсин.

5. Рўйхатда кўрсатилган очик маълумотларни ишлаб чиқилишига масъул этиб белгиланган таркибий тармоқ раҳбар ва ходимлари уларни ўз вақтида, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳамжда, сифатли ва тўлиқ шакллантирилиш ҳамда Ахборот хизматида тақдим этилишига масъул ва шахсий жавобгар этиб белгилансин.

6. Маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаган ёки нотўғри маълумот тақдим қилган таркибий тармоқ раҳбар ва ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

7. Матбуот котиби (Н.Аметов):

Томди туман ҳокимлигининг очикликни таъминлаш соҳасини доимий мувофиқлаштириб борсин;

таҳлиллар ва кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида расмий веб-сайтда очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларнинг кўламини кенгайтириш, сифатини ошириш ва долзарблигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда уларни амалга ошириш чораларини кўрсин;

Томди туман ҳокимлиги фаолиятига оид очик маълумотларнинг ишлаб чиқилишига масъул этиб белгиланган таркибий тармоқлар томонидан маълумотларни Ахборот хизматида тақдим этиш тартибининг бузилиши ҳолатлари ҳақида муносабат билдириш юзасидан раҳбариятга ўз вақтида

таклифларни киритиб борсин.

8. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Tuman hokimi



K. Aldabergenov

Tomdi tuman hokimining
2023-yil 13-dekabrdagi
227-5-75-F/23-son farmoyishiga
1-ilova

Томди туман ҳокимлиги фаолиятида очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар

РЎЙХАТИ

№	Эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар тоифаси	Маълумот жойлаштириладиган ахборот ресурслари	Тақдим этиш ва янгилаб бориш муддати*	Ишлаб чиқиш ва эълон қилиш учун масъуллар*	Ижро этилиши устидан назоратини таъминлашга масъул
1.	Ўз фаолиятига оид ҳисобот (<i>давлат сирлари ва хизматда фойдаланиши учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно</i>)	Расмий веб-сайт	Ҳар йили 1-мартга қадар	Барча котибият мудирлари; Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
	Ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар бериш (<i>ахборот ресурсларида эълон қилиши</i>)	Расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар	Ҳар йили 10-мартга қадар	Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
	Ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинишига оид ўтказилган матбуот анжуманлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш	Расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар	Ҳар йили 1-апрелга қадар	Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари..	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
2.	Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (<i>ишлар, хизматлар</i>)	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар	Қ.Асубаев –туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси

3.	Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (<i>хизмат сафарининг ёки таширфининг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).</i>)	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар	Қ.Асубаев –туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
4.	Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (<i>ишлар, хизматлар</i>) тўғрисидаги маълумотлар (<i>харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин</i>)	Расмий веб-сайт	Доимий равишда (бир суткадан кечиктирмай)	Қ.Асубаев –туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
5.	Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор ҳамда комиссия аъзоларининг маълумотлари (<i>фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими</i>)	Расмий веб-сайт	Доимий равишда (бир суткадан кечиктирмай)	Қ.Асубаев –туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
6.	Ўзлари акциядор (<i>иштирокчи, мулкдор</i>) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (<i>директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари</i>) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотлар	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар	Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
7.	Давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, ушбу корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар тасарруфидаги енгил автомобиллар, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар	Қ.Асубаев –туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
8.	Тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси билан бир қаторда, унинг ижроси, шу жумладан объектларни куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автотототранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар	Қ.Асубаев –туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси

9.	Давлат органлари ва ташкилотлари тасарруфидаги хизмат автототранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар, қурилиши тугалланмаган объектлар тўғрисидаги маълумотлар (<i>тезкор-қидирув, ҳарбий ва бошқа махсус хизматларда фойдаланиладиган ашёлар бундан мустасно</i>)	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнанинг 10-санасига қадар	Қ.Асубаев – туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Алиқулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
10.	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига мулк ёки ижара ҳуқуқини электрон аукцион (“Э-ИЖРО АУЦИОН”) орқали сотиб олган шахслар тўғрисида маълумотлар	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнанинг 10-санасига қадар	Қ.Қаржабов – Томди туман ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ҳоким ўринбосари; Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Алиқулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
11.	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқуқини бериш бўйича очиқ танлов ғолиблари бўлган шахслар тўғрисида маълумотлар	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнанинг 10-санасига қадар	Қ.Қаржабов – Томди туман ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ҳоким ўринбосари; Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Алиқулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
12.	Маҳаллий бюджетларнинг ҳар чорак якунида шакллантириладиган даромадлар ва харажатлар сметаси, режадан орттириб бажарилган қисми ва мазкур маблағлар йўналтирилган мақсадлар тўғрисидаги маълумотлар	Расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнанинг 10-санасига қадар	Иқтисодиёт ва молия бўлими; Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Алиқулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
13.	Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларнинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисmini қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш ҳақида берган аризалари рўйхати (<i>навбати</i>) тўғрисидаги маълумотлар	Расмий веб-сайт	бир суткадан кечиктирмай	Иқтисодиёт ва молия бўлими; Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Алиқулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси

14.	Давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (<i>телефон, почта ва электрон манзиллари</i>) ҳамда жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар	Расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар	А.Доспанбетова -туман ҳокимининг ўринбосари оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
15.	Тасдиқланган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари (<i>давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно</i>)	Расмий веб-сайт	ҳар олти ой якунидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар	Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
16.	Доимий фойдаланиш учун берилган ер майдонлари ва бошқа мол-мулкларни давлат-хусусий шериклик асосида олган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар	Расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар	Кадастр агентлиги Томди тумани бўлими; Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
17.	Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларнинг ташқи ёки ишончли бошқарувга берилган давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари, ишончли бошқарувчи томонидан жалб қилинган тўғридан тўғри хорижий инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар	Расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар	А.Намозов – Туман инвестициялар ва ташқи савдо бўлими туман ҳокими ўринбосари; Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси
18.	Ўзларининг таркибига кирувчи давлат муассасаларининг номи, фаолият тури, функция ва ваколатлари ҳамда раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар	Расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Н.Аметов– туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.	Б.Баянасов - Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари; Е.Аликулов - туман ҳокимлигининг ижро интизом бўйича бош мутахассиси

* Мазкур илованинг тўртинчи устунида кўрсатилган муддатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6247-сон фармонида белгиланган муддатлар бўлиб, маълумотлар ушбу муддатларга мутаносиб равишда тегишли ахборот ресурсларида эълон қилиниши (жойлаштирилиши) лозим. Очиқ маълумотларни ишлаб чиқишга масъул тармоқлар томонидан белгиланган маълумотларни фармойишнинг **3-бандида** кўрсатилган муддатларда Ахборот хизматига тақдим этишлари керак.

* Мазкур иловада кўрсатилган очик маълумотларни ишлаб чиқиш, эълон қилиш ва ижро этилиши устидан назорат қилишга масъул бўлган таркибий тармоқ ходимлари бошқа ишга ўтган тақдирда, ушбу вазифаларини бажаришга ушбу лавозимга янги тайинланган ходимлар масъул ҳисобланади.